

Хорижий инвестициялар иштироқидаги  
«Ўзбекистон рангли металл парчалари,  
чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта  
ишлаш заводи» акциядорлик жамияти  
акциядорлари умумий йиғилиши  
— сонли баённомаси  
2019 йил «28» июндаги  
қарорига асосан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОҚИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН  
РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ, ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ  
ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

## МУНДАРИЖА

I.	Умумий қисм .....	.....
II.	Кузатув кенгашининг ваколатлари .....	.....
III.	Кузатув кенгаши аъзоларининг сайланиши, тайинланиши ва муддатидан олдин ваколатларининг тугатилиши .....	.....
IV.	Кузатув кенгашининг раиси .....	8
V.	Кузатув кенгашининг йиғилиши .....	8
VI.	Кузатув кенгаши аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари .....	10
VII.	Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги .....	11
VIII.	Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотлар тайинланишининг тартиби .....	12
IX.	Холоса қисми .....	.....

## **I. УМУМИЙ ҚИСМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конун, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги № ПҚ-849 “Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 06 июндаги № ПҚ-425 “Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган, жамият кузатув кенгашининг мақомини белгилаб, иши регламентини, унинг аъзоларини сайлаш, ҳамда уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини аниқлади.

2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ҳал қилиниши қонунчилик ва жамият низоми томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бири учун конкрет тарзда амалга оширилади.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик ва навбатдан ташқари акционерларнинг умумий йиғилишини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 65 моддаси ўн биринчи қисмидаги ҳолатлар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ушбу Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбоисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

агар жамиятнинг уставига ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ бундай ҳуқук унга берилган бўлса, қонунларда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қофозларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

жамиятнинг ижроия этувчи органини шакллантириш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), ўз ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижро органи раҳбари ва унинг аъзолари лавозимларига танлов эълон қилиш, раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш регламентини тасдиқлаш, саралашнинг объектив мезонларини аниқлаб, унинг натижалари бўйича ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, замонавий фикрлайдиган, юқори малакали мутахассислар, ҳамда хорижий менежерларни ёллаш;

ижро этувчи органининг раисини (бошқарув раиси, директори) ва коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоларини иш билан таъминлаш учун Жамият номидан бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текшируванинің түкнімінде, аудиторлик ташкилотиниң үннінг хизматларында түланадиган ҳақнинг энг күп міндерини белгилаш қақида қарор қабул қилиш (бекор қилиш);

жамиятнинг тафтиш комиссиясы аъзоларига (тафтишчисига) түланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг міндерлари юзасидан тавсиялар беріш;

дивиденд міндер, уни тұлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар беріш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шұйба ва тобе хұжалик жамиятларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари” ва Акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида” ги Қонунининг 8 мөддесига мувофиқ ушбу битимни тузиши санасида жамият томонидан предмети мулк, баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати жамиятнинг соғ активлари ҳажмининг ўн бешден әллик фоизигачаны ташкил этадиган катта битимни тузиши қақидағы қарорни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари” ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида” ги Қонунининг 9 мөддесига мувофиқ жамиятнинг афилланган шахси билан битимни тузиши қақидағы қарорни қабул қилиш;

жамиятнинг тијорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларыда белгиланған тартибда тузиши;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) күпайтириш, шунингдегі жамият уставында жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) күпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинған акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш қақидағы қарорга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳамда рисола матнини тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисолаларини чиқариш түғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнларини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари” ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида” ги Қонунининг 34 мөддесига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшкан биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;

ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

ахборот сиёсати ҳақидаги низомни тасдиқлаш;

қарор қабул қилинган санаси ҳолатига ҳажми жамиятнинг соғ активларининг бир фоизидан ошувчи хайрия (хомийлик) ёки беминнат ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил баҳоловчи ташкилотни жалб этиш;

**5. Жамиятнинг кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини амалга татбиқ этиш учун амалга оширади:**

Жамиятда тузилған ижро органи, жамиятнинг ички назорати органлари, коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарурат туғилганда жамиятни ривожлантириш режаларини түзишни ташкиллаштириш ва унда белгиланған мақсадларга етишиш мониторинги учун эксперктарни жалб этиш;

АЖнинг ташкилий тузулмаси қонунчилік талабларига мослиги борасыда баҳолаб бориш ишланма ишлаб чиқиши, татбиқ этиши ва мунтазамлигини таъминлаш, ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот юритиши стандартларига мос равишида ҳар йиллик молиявий ҳисоботларни нашр этишга ўтишни таъминлаш бүйича ишларни мувофиқлаштириш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг татбиқ этишлиги устидан назоратни амалга ошириш.

**6. Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига қонунчилік ва жамият низомига мос ҳолда бошқа масалалар ҳам киритилиши мүмкін.**

**7. Жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилған масалалар бүйича жамиятнинг ижро органи қарор қабул қилиши мүмкін эмас.**

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ САЙЛАНИШИ, ТАЙИНЛАНИШИ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ва жамият низомига мос ҳолда бир йил муддатга сайланади.

9. Кузатув кенгаши аъзолари сони Жамиятнинг Уставига асосан белгиланади, Жамиятни кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборатdir.

10. Хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзолигига бўйича номзодлар:

устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича — **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган** ҳолда;

устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоизгача бўлган хўжалик жамиятлари бўйича — **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибиятлари билан келишган** ҳолда номзодлар кўрсатиш тартиби жорий қилинсин.

11. Жамият кузатув кенгашининг миқдорий таркиби жамият низоми билан белгиланади. Бу ерда жамият кузатув кенгаши таркибига бир нафардан кам бўлмаган мустақил аъзони (аммо унинг низоми билан белгиланган кузатув кенгаши аъзоларининг 15% дан кам бўлмаган) киритади. Агар жамиятнинг мустақил аъзоси киритилмаса, жамият Кодекснинг тавсияси риоя этилмаганлиги сабаблари ҳақида маълумот нашр қилинади.

12. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига нисбатан қўйиладиган мезонлар Корпоратив бошқарув кодексида белгилаб берилган.

13. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланышлари мумкин.

14. Жамиятнинг ижро органи раҳбари ва унинг аъзолари жамият кузатув кенгашига сайлана олмайдилар.

15. Худди шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашига аъзо бўла олмайдилар.

16. Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси ваколатларини муддатидан олдин тугатиш акциядор ўзгарган ҳолда, кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бузганлиги, кузатув кенгашининг тегишли аризаси мавжуд бўлгани ва бошқа асосларга биноан акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

16. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланаётган шахслар корпоратив бошқарувчи (давлат ҳиссаси мавжуд бўлган жамиятлар учун) шаҳодатномаси ёки Корпоратив бошқарув бўйича илмий – таълим маркази сертификатига эга бўлишлари зарур.

17. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига иқтисодий хизмат, корпоратив ҳизмати алоқалари мутахассислари бўлиши мумкин:

Бундай ҳолатда, номзодлар ишчилар орасида танланади.

-техник, молиявий, иқтисодий ва юридик йўналишлар бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

- камида икки йил давомида молиявий-иқтисодий хизматида, қурилиш ва таъмиглаш, фойдаланишга топшириш, лойиҳалаш ва тадқиқот корхоналарида меҳнат тажрибасига эга бўлиш;

- Корпоратив бошқарув бўйича малака сертификатига (давлат улуши бўлган компаниялар учун) ёки Корпоратив бошқарув бўйича Илмий ва ўқув марказининг аттестат эга бўлиш.

18. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайловлари кўпайтириш (кумулятив) овоз бериш йўли билан ўтади.

19. Кўпайтириш орқали овоз берганда ҳар бир акциядорга мансуб бўлган овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади. Акциядор бу тарзда йиққан овозларини тўлиқ битта номзодга бериши ёки уларни иккита ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

20. Кузатув кенгаши таркибига энг кўп овоз олган номзодлар сайланган бўлиб ҳисобланади.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ РАИСИ**

20. Жамият кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан кузатув кенгаши аъзоларини умумий сонидан кўпчилик овози билан сайланади.

21. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларини умумий сонидан кўпчилик овози билан қайтадан сайлаши мумкин.

22. Жамият кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкиллаштиради, кузатув кенгаши йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади, мажлисларда баёнлаштиришни йўлга кўяди, акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилади.

23. Кузатув кенгаши раиси узрли сабабларга кўра йиғилишда иштирок этолмаса унинг функцияларини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири бажаради.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ЙИҒИЛИШИ**

24. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ташаббуси асосида, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижро органи аъзоси ва биргаликда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорига эга бўлган акциядорлар (акциядор) талабига биноан чақирилади.

25. Жамият кузатув кенгашининг раиси Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб уч қун мобайнида ушбу талабни кўриб чиқади ва қонунда белгиланган ҳолларда

кузатув кенгашининг мажлисини ўтказишни ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

26. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай йиғилиш уни ўтказиш тўғрисида талаб қилинган кундан бошлаб ўн қундан кечикмасдан ўтказилиши керак.

27. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши кузатув кенгаши раиси томонидан камида ҳар чоракда бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тарзда кўриладиган масалалар:

ижро органининг жамиятни йиллик бизнес – режаси бажарилиши жараёни, жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, қилинган ишлар ва жамият таркибига киравчи корхоналарнинг тасдиқланган бизнес – режаларида белгиланган қўрсаткичларига етишишлари, ҳамда жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари ҳақида ҳисоботи;

ички аудит хизмати ҳисоботи;

тафтиш комиссиясининг аффиланган шахслар билан битим тузилиши ёки жамиятда тузилган йирик битимлар ҳамда ушбу битимларни тузища қонунчилик талаблари ва ички ҳужжатларга риоя қилиниши ҳақидаги хуносаси.

28. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгаши сайланган аъзоларининг умумий сонидан етмиш беш фоиздан кам бўлмагани ҳолатида мавжуд бўлади.

29. Агар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият низомида қўрсатилган сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши керак. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари ушбу акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, ҳамда кузатув кенгаши раиси ваколатлари муддатидан илгари тутатилганда вақтинча унинг вазифаларини бажарувчини тайинлашлари мумкин.

30. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида қарорлар қатнашчилар овозларининг кўпчилиги билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги Қонунида ва жамият низомида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида масалалар бўйича қарор қабул қилинганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кузатув кенгашининг раиси овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни ошириш бўйича ва низомга тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

31. Жамият кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз овозини жамият кузатув кенгашининг бошқа аъзоси ёки учинчи шахсга шахсга ўтказиши мумкин эмас.

31. Жамият кузатув кенгаши йиғилиши баёнлаштирилади. Жамият кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси уни ўтганидан сўнг ўн қундан кечиктирмай тузилади.

32. Йиғилиш баённомасида ушбулар кўрсатилади:

- уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- йиғилишда қатнашган шахслар;
- йиғилишнинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

33. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси йиғилишда қатнашган жамият кузватув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар баённома тўғрилигига жавобгар ҳисобланадилар.

34. Жамият кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси уни имзолангандан куни ижро учун жамият Бошқаруви раисига топширилади. Жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш борасида қарор қабул қилинганда ушбу қарор ҳақидаги маълумот кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган куни жамиятнинг Бошқарув раисига берилади.

35. Кузатув кенгашининг йиғилиши сўров йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин, тафтиш комиссияси, ички аудит ва ижро органи ҳисботлари эшитиладиган йиғилишлар бундан мустаснодир. Бу аснода жамият кузатув кенгашининг қарорлари кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овозда сиртдан овоз бериш (сўров шаклида) йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари ва бошқ. жиҳозлар мавжуд бўлган ҳолда кузатув кенгашининг йиғилишлари видео-конференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

35. Кузатув кенгаши аъзоси қўйидагиларга ҳақли:

- кузатув кенгаши йиғилишида шахсан қатнашиш, регламент бўйича белгиланган вақт доирасида муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиши;
- кузатув кенгаши қарори асосида жамиятнинг муайян муддат давомидаги фаолияти, уни ривожланиш режалари ҳақида маълумот олиши;

- қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибда кузатув кенгашида ишлагани учун мукофот ва (ёки) харажатлари учун бадаллар олиш;

- қонунчилик ва жамиятнинг низоми томонидан кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар;

- кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи, АЖ ходимлари ва жалб этилган эксперталар (мос малакага эга мутахассислар, ихтисослашган олий ўқув юртлари ўқитувчилари таркиби ва бошқ.) ҳисобидан қўмиталар (ишчи гурухлар) тузиш, шу жумладан низоли вазиятлар, аудит, кадрлар ва бошқ. қўмиталар;

### 36.Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари:

- тахмин қилинаётган битим, ушбу шартноманинг жиддий шартлари ҳақида муфассал маълумотларни кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома орқали жамиятни ўзининг афиллангани борасида жамиятни хабардор этиш;

- ўзининг хизмат вазифаларини сидқидилдан, ҳамда жамият манфаатлари йўлида энг тўғри деб топилган равишда ижро этиш;

- қонунчилик ва жамият низоми билан белгиланган бошқа вазифа ва мажбуриятлар.

37.Кузатув кенгашининг аъзолари жамият имкониятларини (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолият соҳасидаги имкониятлар, жамият фаоияти ва режалари ҳақидаги маълумотлар) шахсий бойиш учун ишлатишга ҳақлари йўқ.

## VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

38.Жамият кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқлари амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш чоғида жамият манфаатини кўзлаб амал қилишлари зарур ва қонунчилик ва жамият низомига мувофиқ жамият олдида жавобгардирлар.

39.Агар жавобгарлик бир неча кишига юклатилган бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги умумийдир.

40.Жамиятга зарар етказадиган қарор бўйича қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган кузатув кенгаши аъзолари жавобгар эмаслар, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 90 моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

41.Жамият ва биргаликда жамиятни жойлаштирилган акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорга эга бўлган акциядор кузатув кенгаши аъзоси устидан судга шикоят қилиб, жамиятга етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТАЙИНЛАНИШИННИНГ ТАРТИБИ**

42. Корпоратив бошқарув тизими ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларининг мустақил баҳоланиши натижаларига кўра кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўланади.

43. Жамият ҳар чорак (чорак, олти ой якунлари, йиллик) корпоратив бошқарув тизими ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларининг мустақил баҳолашни ўтказади.

44. Мустақил баҳолаш натижалари кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига тўланадиган мукофотнинг ҳажмларини аниқлашга асос бўлади.

45. Холис ташкилот билан тузилган шартномага асосан кузатув кенгашининг иши сифат жиҳатидан қониқарсиз, паст, қониқарли ва юқори баҳоланиши мумкин.

46. Кузатув кенгашининг ҳар чорақда ҳар бир аъзосига тўланадиган мукофат пули қуидаги тартибда белгиланади:

агар қониқарсиз деб топилса - мукофат пули тўланмайди;

- агар паст деб топилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида ҳақ тўланади;

- агар қониқарли деб топилса - энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида тўланади;

- агар юқори деб топилса, унда энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўланади.

Бу кузатув кенгаши раисига кузатув кенгаши аъзосига тўланган суммадан 1,2 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш учун кўпайтириш омилини белгилайди.

47. Акциядорлар умумий йиғилиши котибининг маълумотномасига паспорт нусхаси, СТИР ва ИНПСга асосан сайланган кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорақда Кузатув кенгашига тўланадиган мукофат пули ижроия органининг резолюциясига асосан бухгалтерия тўловни ҳисоблайди ва амалга оширади.

48. Мукофат пулинини ҳисоблашда жамиятнинг бухгалтерия бўлими амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад солиғи ва чегирмаларни ушлаб туришни таъминлайди. Олинмаган тўловлар белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

49. Мукофат пулинини тўлаш бўйича боғлиқ харажатлар жамиятнинг бухгалтерияси томонидан тегишли проводкаси берилади.

50. Жамиятнинг кузатув кенгашига мукофат пули қуидаги холларда тўланмайди.

- Кузатув кенгашининг фаолияти тугатилганда;

- Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини бажармаганда (акциядорларнинг умумий йиғилиш қарори билан).

51. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофат пулидан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишини қарори билан соғ фойдадан келиб чиқиб бошқа тўловлар тўланиши мумкин.

**52. давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бир чорақда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади;**

**давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш миқдорлари улар кузатув кенгаши аъзоси бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятининг тегишли соҳасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини инобатга олган ҳолда белгиланади;**

**давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек ходимлари, қоида тариқасида, бир пайтнинг ўзида ҳақ тўланадиган кузатув кенгашларининг аъзолари сифатида иккитадан кўп бўлмаган хўжалик жамияти фаолиятида иштирок этиши мумкин**

## **IX. ХУЛОСА ҚИСМИ**

**52.** Кузатув кенгаши аъзоларини зарурий материаллар билан таъминлаш, ҳамда акциядорлар ва инвестицияловчилар билан алоқа қилишга масъул - корпоратив маслаҳатчиидир.

**53.** Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгардирлар.

**54.** Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**54.** Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига хилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.